TOSHKENT VILOYATI QIBRAY TUMAN HOKIMI
Q A R O R I

2021 - yil 1 - dekabr 261-10-139-Q/21 Qibray tuman hokimligi

“TINCHLIK” маҳалла фуқаролар йиғинини иккига бўлиш ва “GES QODIRIYA” маҳалла фуқаролар йиғинини ташкил этиш тўғрисида

“GES QODIRIYA” маҳалла фуқаролар йиғини туман ҳокимининг 1993 йил 06 июлдаги 563-сонли қарорига асосан ташкил топган бўлиб, жамоатчилик асосида фаолият юритиб келган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш ҳақидаги қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-бўлим, 8-бандига асосан маҳаллий бюджетдан меҳнат ҳаққи ҳудудларида камида 500 оила яшайдиган маҳаллаларнинг фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқол)ларига ва котибларига тайинланишини белгилаб қўйилганлиги сабабли туман ҳокимининг 2018 йил 2 февралдаги 513-сонли қарорига асосан оила сони 500 дан кам бўлганлиги сабабли “TINCHLIK” маҳалла фуқаролар йиғини билан бирлаштирилган.

Ҳозирда “GES QODIRIYA” маҳалла фуқаролар йиғинининг туман ҳокимлигига тасдиқлаб тақдим этган маълумотномасига асосан, хонадонлар сони 394 тани, оилалар сони 622 тани ҳамда аҳоли сони 1816 нафарни ташкил этаётганлигини, “GES QODIRIYA” маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг 2021 йил 16 мартдаги 1-сонли кенгаш қарори, маҳалла фуқаролар йиғинининг туман ҳокимлигига киритган илтимосномалари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимининг 2021 йил 26 февралдаги 29-сонли буйруғига асосан тузилган ишчи гуруҳининг 2021 йил 16 мартдаги далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги Маҳалла институтини янада такомиллаштириш

тўғрисидаги ПФ-4944-сонли Фармони Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунининг 5-, 6-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамамсининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 437-сонли, 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш ҳақидаги 48-сонли ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 6-, 25-сонли моддаларига асосланиб:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимининг 2021 йил 14 апрелдаги 46-сонли буйруғига асосан тузилган ишчи гуруҳининг 2021 йил 7 июндаги далолатномаси маълумот учун қабул қилинсин;

2. “TINCHLIK” маҳалла фуқаролар йиғини Кенгашининг 2021 йил 3 июлдаги 9-сонли ҳамда “MUSTAQILLIK” маҳалла фуқаролар йиғини Кенгашининг 2021 йил 3 июлдаги 14-сонли кенгаш қарорлари ҳамда туман ҳокими номига қилган мурожаати инобатга олинсин.

3. “GES QODIRIYA” маҳалла фуқаролар йиғинининг туман ҳокимлигига тақдим этган маълумотномасига асосан, хонадонлар сони 394 тани, оилалар сони 622 тани ҳамда аҳоли сони 1816 нафарни ташкил этиши кўрсатиб ўтилсин.

4. “GES QODIRIYA” маҳалла фуқаролар йиғинида оила сони 500 нафардан ошишиш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамамсининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 437-сонли ҳамда 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш ҳақидаги 48-сонли қарорига асосан маҳаллий бюджетдан меҳнат ҳақи тўланиши таъминлансин.

5. Туман Молия бўлими **(И.Холмуродов)** “GES QODIRIYA” маҳалла фуқаролар йиғинида оила сони 500 дан ошиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамамсининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 437-сонли қарор шунингдек, “Бюджет Кодексининг 91-, 92-моддалари талабларидан келиб чиққан ҳолда бюджет лойиҳасида штат бирлиги ажратиш ва ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашини таъминлаб, ҳаражатлар сметасини

мазкур қарорга мувофиқ амалга оширсин.

6. Туман статистика бўлими **(Х.Рахмонқулов),** Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими **(Н.Алимов)**лар ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан маҳалла фуқаролар йиғинларининг статистик маълумотларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

7. Тошкент вилояти Давлат кадастрлари палатаси туман филиали (К.Абдуллаев) 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш тартиби тўғрсида”ги Низомини тасдиқлаш ҳақидаги 48-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб маҳалла чегаралари чизмалари ва тавсифини тайёрлаб уларнинг чегараларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритсин.

8. “Қибрай садоси” газетаси **(Г.Ахмедова)** мазкур қарорни матбуотда эълон қилиши тавсия этилсин.

9. Ушбу қарор Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига тасдиқ учун киритилсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Бекмуродов, туман ҳокими ўринбосарлари А.Касимходжаев, Н.Алимовлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **М. Миркасимов**